O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
**HOKIMI**
**QARORI**

**РЕШЕНИЕ**
**ХОКИМА**
**Самаркандской области**
**Республики Узбекистан**

**2015 у.г. «22» октябрь № 215-Қ** **Samarqand sh., – г. Самарканд**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги 315-сонли қарори ижроси таъминлаш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги "Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 315-сонли қарорининг ижросини таъминлаш ҳамда аҳолини турмуш даражаси ва сифатини ошириш чора-тадбирлари комплексини бажариш ҳамда жойларда санитария ва экологик вазиятни тубдан яхшилаш, аҳолини қаттиқ маиший чиқиндиларини ташиб кетиш, жойлаштириш бўйича санитария жиҳатидан тозалаш борасида ўз вақтида ва сифатли хизматларни самарали ташкил этиш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги "Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, вилоят ҳокимининг 2013 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги "Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳақида"ги 266-Қ-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 сентябрдаги 05/5-7-сонли топшириғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги "Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 315-сонли қарори ижросини таъминлашда вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи (А.Каримов), Нуробод (О.Жўраев), Пайарик (Р.Шодиев), Оқдарё (О.Искандаров), Қўшработ (Х.Ахмедов), Ургут (У.Ўроқов), Пастдарғом (Ш.Қирқжигитов) ва Булунғур (Ш.Синдоров) туманлари ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари томонидан олиб борилган ишлар талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

Вилоят ҳокимининг
2015 йил "22" октябрдаги
~~215~~—Қ-сон қарорига
илова

**Самарқанд вилояти шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги 315-сонли қарорининг ижросини таъминлаш бўйича қўшимча**
**ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| Т.р | Амалга оширилган чора-тадбирлар | Ижро муддати | Ижро учун масъул |
|---|---|---|---|
| | **1. Санитар тозалаш хизматларини кўрсатишда абонентлар сонини ошириш ва абонентларнинг маълумотлар базасини автоматлаштириш** | | |
| 1.1 | Туман (шаҳар)ларнинг мавжуд махсус техникалари автотранспорт воситаларини масофадан туриб назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими ("GPS") билан жиҳозлаш. | 2015 йил 1 декабрь | Вилоят молия бошқармаси (А.Каримов), туман (шаҳар)лар ҳокимлари |
| 1.2 | Санитар тозалаш хизматлари кўрсатиладиган абонентларни маълумотлар базасининг автоматлаштирилган "Биллинг" тизимини жорий этиш ва корхонада бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилишини таъминловчи тизимни йўлга қўйиш. | 2015 йил 1 ноябрь | Вилоят молия бошқармаси (А.Каримов), туман (шаҳар)лар ҳокимлари |
| 1.3 | Санитар тозалаш хизматлари кўрсатиладиган ҳудудлардаги аҳоли ва юридик шахсларни қайта хатловдан ўтказиш ва абонентлар билан шартномалар тузиш ишларини якунига етказиш. | 2015 йил 15 декабрь | Вилоят молия бошқармаси (А.Каримов), туман (шаҳар)лар ҳокимлари |
| | **2. Туманлар ободонлаштириш бошқармаларини бино билан таъминлаш ва моддий техника базасини янада яхшилаш бўйича** | | |
| 2.1 | Туманлар ободонлаштириш бошқармаларини маъмурий бинолар билан таъминлаш, ободонлаштириш бошқармаларига қарашли санитар тозалаш участкаларидаги махсус техникаларни сақлаш учун гаражлар, техникаларни таъмирлаш базаси билан таъминлаш ва ҳайдовчиларни кунлик кўрикдан ўтказиш тиббиёт пунктини жиҳозлаш ва ҳамшираларни ёллаш учун поликлиникалар билан шартномалар тузиш. | 2015 йил охирига қадар | Вилоят молия бошқармаси (А.Каримов), туманлар ҳокимлари |
| 2.2 | Санитар тозалаш хизмати учун харид қилинган техникаларни мунтазам янгилаб бориш мақсадида, амортизация ажратмаси фондини ташкил этиш учун Ғазначилик бўлинмаларида алоҳида очилган шахсий ҳисоб-рақамларга маблағ жамғарилишини таъминлаш. | Доимий | Вилоят ғазначилик бошқармаси (Ш.Аблаяров), туман (шаҳар)лар ҳокимлари |
| 2.3 | Туман (шаҳар)ларда қаттиқ ва маиший чиқиндиларини олиб кетиш тарифлари калькуляцияларида харид қилинган махсус техникаларнинг амортизация харажатлари ва шу каби бошқа харажатлар ҳисоб-китоб қилинган ҳолда ишлаб чиқиш, ўз вақтида тасдиқлатиб амалга ошириш. | 2015 йил охирига қадар | Вилоят молия бошқармаси (А.Каримов), туман (шаҳар)лар ҳокимлари |
| 2.4 | Туманларда МФЙлар ҳудудида қаттиқ ва маиший чиқиндиларини олиб кетишни сигнал системаси орқали амалга ошириш. | Доимий | "Маҳалла жамғармаси" вилоят фонди (Ш.Юлдошев), туманлар ҳокимлари |
| | **3. Ободонлаштириш бошқармалари балансидаги ва янги қурилаётган полигонларни қуриш ҳамда уларни махсус техникалар билан жиҳозлаш бўйича** | | |
| 3.1 | Ободонлаштириш бошқармаларига хизмат кўрсатувчи тижорат банклар билан 3 томонлама меҳнат шартномасини тузиш орқали ёлланма кассирни белгилаш ва фақатгина ушбу ёлланма кассир томонидан тўловларни ундириш ишларини амалга ошириш. | 2015 йил 1 ноябргача | Марказий банк вилоят Бош бошқармаси (Ғ.Маматқулов), туман (шаҳар)лар ҳокимлари |
| 3.2 | Ободонлаштириш бошқармалари балансларидаги мавжуд чиқинди полигонларини ҳимоя деворлари билан ўраб олиш ишларини якунига етказиш. | 2015 йил 1 декабргача | Вилоят молия бошқармаси (А.Каримов), туман (шаҳар)лар ҳокимлари |
| 3.3 | Ободонлаштириш бошқармалари томонидан янги қурилиши белгиланган (мини) чиқинди полигонларини ҳимоя деворлари билан ўраб олиш ишларини якунига етказиш. | 2015 йил 1 декабргача | Вилоят молия бошқармаси (А.Каримов), туманлар ҳокимлари |
| 3.4 | Ободонлаштириш бошқармалари балансларидаги мавжуд чиқинди полигонларини Бульдозер, Погрузчик (экскаватор), автотарози махсус техникалари билан жиҳозлаш. | 2015 йил 1 декабргча | Вилоят молия бошқармаси (А.Каримов), туман (шаҳар)лар ҳокимлари |
| 3.5 | Ҳудудларда санитар тозалаш хизматларини, қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиш ва кўмиш ишларини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш модели асосида амалга оширилишини таъминлаш. | Доимий | Вилоят молия бошқармаси (А.Каримов), туман (шаҳар)лар ҳокимлари |
| 3.6 | Туман (шаҳар)лар марказида намунавий макет асосида чиқинди тўплаш шахобчалари қуриш ишлари якунлаш ва контейнерлар билан жиҳозлаш. | 2015 йил 1 декабргача | Вилоят молия бошқармаси (А.Каримов), туман (шаҳар)лар ҳокимлари |